



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

5 (79) 2025

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВА
А.С. ИЛЬЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОЕВ
С.А.ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
Б.З. ХАМДАМОВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

5 (79)

2025

май

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

Received: 20.04.2025, Accepted: 06.05.2025, Published: 10.05.2025

УДК 616.21:616-092:612.017.1.064-053.2:615.37

COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА СТОМАТОЛОГИК СИНДРОМЛАРНИНГ КЛИНИК ВА ПАТОГЕНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тураева Феруза Абдурашидовна e-mail: turayeva.firuz@bsmi.uz

Хайтов Отабек Шокирович e-mail: xayitov.otabek@bsmi.uz

Абу али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти Ўзбекистон, Бухоро ш.,
А.Навоий кўчаси. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

Ҳозирги пайтда вирусли юқумли касалликлар билан зарарланиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳонда ҳозирги вақтда минг-минлаб одамлар ҳар хил вирусли юқумли касалликларни бошидан кечириб келмоқда. Тиббиёт ходимлари сағй-ҳаракатлари натижасида баъзи касалликлар бутунлай бартараф қилинган бўлса-да, баъзи касалликларнинг тарқалиш даражаси ва асорати кучайиб бормоқда.

Калит сўзлар. COVID-19 билан касалланган беморлар, оғиз бўшлиғи касалликлари, генетик, иммунологик, гормонал, ижтимоий ва ҳулқ-атвор омиллари.

КЛИНИКО-ПАТОГЕНЕТИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ СИНДРОМОВ У БОЛЬНЫХ COVID-19

Тураева Феруза Абдурашидовна e-mail: turayeva.firuz@bsmi.uz

Хайтов Отабек Шокирович e-mail: xayitov.otabek@bsmi.uz

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины, Узбекистан,
г. Бухара, ул. А. Навои. 1 Тел: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Резюме

В настоящее время заражение вирусными инфекционными заболеваниями остается одной из актуальных проблем современной медицины. В настоящее время тысячи и тысячи людей во всем мире страдают от всевозможных вирусных инфекций. Хотя некоторые заболевания были полностью устранены благодаря усилиям медицинского персонала, распространенность и осложнения некоторых заболеваний растут.

Ключевые слова. Пациенты с covid-19, заболевания полости рта, генетические, иммунологические, гормональные, социальные и поведенческие факторы.

CLINICAL AND PATHOGENETIC CHARACTERISTICS OF DENTAL SYNDROMES IN COVID-19 PATIENTS

Turaeva Feruza Abdurashidovna e-mail: turayeva.firuz@bsmi.uz

Xaitov Otabek Shokirovich e-mail: xayitov.otabek@bsmi.uz

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan, Bukhara, st. A. Navoi. 1
Tel: +998 (65) 223-00-50 e-mail: info@bsmi.uz

✓ Resume

Currently, infection with viral infectious diseases remains one of the urgent problems of modern medicine. Currently, thousands and thousands of people around the world are suffering from all kinds of viral infections. Although some diseases have been completely eliminated thanks to the efforts of medical staff, the prevalence and complications of some diseases are increasing.

Keywords. Patients with covid-19, oral diseases, genetic, immunological, hormonal, social and behavioral factors.

Тадқиқотнинг долзарблиги

Дунёда COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини ҳамда уларни юзага келтирувчи хавфли омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш стоматологиянинг энг муҳим тиббий ва иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра 2020 йил июлига қадар COVID-19 билан касалланган 15 миллион ҳолат қайд этилган, бу олти юз мингдан ортиқ ўлимни ўз ичига олади. Ушбу патология билан эркаклар аёлларга қараганда оғирроқ касал бўлиб, касалликдан тез-тез вафот этишади ва ўлим кўрсаткичи 20 %дан юқори бўлиб ҳисобланади. Эркакларда, айниқса, 50 ёшлар атрофида COVID-19 дан ўлимнинг энг юқори хавфи ҳисобланади. Ривожланган давлатларда COVID-19 дан ўлим даражаси эркакларда 2,8 % ни, аёлларда 1,7 % ни ташкил этади. Европада COVID-19 билан касалланганлар 57 % ни ташкил этиб, шундан ўлимнинг 72 % ини эркаклар ташкил этади. Ушбу гендер фарқининг сабаблари номаълум, аммо генетик, иммунологик, гормонал, ижтимоий ва хулқ-атвор омиллари муҳим ҳисобланади, шунинг учун бу патология энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан биридир [1.3.5.7.9.11].

Жаҳон миқёсида COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларининг ташхисоти мураккаблиги кўп ҳолларда беморларнинг турли-туман асоратларга олиб келмоқда. Шунинг учун COVID-19 билан касалланган беморларда асосий касалликнинг профилактикаси ва олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқот вазифалари замонавий тиббий ёрдам даражасини янги поғонага олиб чиқиш сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш учун, оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларининг патогенетик кечишини ташхислаш ва унинг оқибатларини даволашга қаратилган.

Маълумки, асримизнинг бошидан парранда гриппи эпидемияси Шарқий Осиё мамлакатларидан Хитой, Лаос ҳудудида қайд қилинган бўлса, 2005 йилга келиб, Россия ва Европа мамлакатларида (Руминия, Италия) тарқалганлигининг гувоҳимиз. 2002 йил охирида коронавирус SARS (SARS-CoV), 2010 йил H1N1 янги грипп (чўчка гриппи) ер юзининг қатор мамлакатларида қайд қилиниб, пандемик равишда тарқалиб кетди. Мамлакатимиз ҳудудида эса қайд қилинмади. 2012 йилга келиб, дунё янги MERS (MERS-CoV) коронавирусни чақирган касаллик дунёнинг 23 мамлакатада рўйхатга олинди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотида кўра, Хитой халқ республикасида 2019 йил декабрь ойининг охирида коронавируснинг янги тури чақирадиган касаллик қайд қилина бошланди. Касалликка чалинган кишилар Таиландда ҳам қайд этилиб, эпидемия ҳолати юзага келган.

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг COVID-19 инфекцияси натижасида зарарланишида таъм ва ҳид билишнинг бузилиши стоматологияда касалликнинг асосий клиник шикоятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумки, SARS-CoV-2 вирусини оғиз бўшлиғи шиллик қаватини носпецефик зарарланишига олиб келади, аммо тери-шиллик қаватининг COVID-19 натижасида зарарланишини аниқ ташхис қилиш стоматологияда SARS-CoV-2 нинг олдини олишга ёрдам беради (Meng L., Hua F., Bian Z. et.al.,2020).

Россиялик мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай аломатлар инфекциянинг иккиламчи намоён бўлиши, шунингдек, дори-дармонларни, хусусан, антибиотикларни қабул қилишнинг ноҳўя таъсири сифатида кузатилиши мумкин. Бундан ташқари, стоматологик касалликларнинг ўзи инфекция учун хавф омили бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки бу касалликларнинг ўзи организмнинг ҳимоя функциясини сусайтиради. Шунинг учун, стоматолог кўригини COVID-19 учун зарурий тадқиқотлар рўйхатига киритиш тавсия этилади.

Немис дентал имплантологларининг таъкидлашича, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг зарарланишида коронавирус инфекциясининг роли бўлиши мумкин. Бу инфекция натижасида герпес, гингивит, пародонтит ва стоматитлар ривожланади. Бу ҳолат иммун тизимининг пасайиб кетиши билан боғлиқ. Охириги нашр этилган маълумотларга қараганда, экспертлар оғиз бўшлиғи хужайраларида ўпка тўқималарининг хужайралари билан солиштириш мумкин бўлган АПФ-2 юқори экспрессияси борлигини таъкидлаб ўтдилар [2.4.6.8.10.11].

Коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликларини эрта ташхислаш, олдини олиш ва махсус даволаш принциплари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, COVID-19 коронавирусли инфекция билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликларини эрта ташхислаш, оптимал даволаш схемасини ишлаб чиқиш ва асослаш, амалий соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб вазифа ҳисобланади. Шундай қилиб, оғиз бўшлиғининг кўпгина тўқималари Ухан патогени учун таъсирловчи –хужайраларни сақлайди. Бироқ стоматологик касалликлар ва коронавирусли инфекция орасидаги аниқ паралеллик йўқ. Шунинг учун стоматологик касалликлар ва коронавирусли инфекция ўртасидаги боғлиқлик ва муаммолар чуқур илмий изланишлар олиб борилишини талаб этади.

Тадқиқотнинг мақсади. COVID-19 билан касалланган беморларда стоматологик синдромларнинг клиник ва патогенетик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти. COVID-19 билан зарарланган беморларда оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг яллиғланиш касалликлари билан даволанган беморларда стоматологик текширув, биокимёвий ва иммунологик тадқиқот усулларининг клиник тавсифи, оғиз бўшлиғи шиллик қавати патологияси бўлган беморларни даволаш усуллари тавсифи берилган.

Ўтказилган тадқиқотга жалб қилинган 166 нафар беморлар 25 ёшдан 75 ёшгачани ташкил этиб, улар 2 гуруҳга бўлинган, асосий (n=166) ва назорат гуруҳи (n=56). Асосий гуруҳда беморларнинг 50 нафари (30,2%) аёллар бўлиб, 116 нафарини (69,8%) эркаклар ташкил этган, назорат гуруҳида эса аёллар 24 (42,8%) нафарни, эркаклар эса 32 (57,2%) нафарни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, COVID-19 билан зарарлангандан сўнг оғиз бўшлиғи шиллик қавати яллиғланиш касалликлари эркакларда аёлларга нисбатан 2,5 марта кўп учраган. Бу кўрсаткич ёш ошган сари ҳам бир-бирига пропорционал ошиб борган.

Натижа ва таҳлиллар

Назорат остига олинган 166 нафар беморларда касалликнинг табиатини ўрганиш учун ёшига қараб 3 та кичик гуруҳларга бўлинган:

1-кичик гуруҳга 18 ёшдан 39 ёшгача бўлган 50 (30,1%) нафар беморлар, 2-кичик гуруҳга 40 ёшдан 59 ёшгача бўлган 71 (42,7%) нафар беморлар ва 3-кичик гуруҳга 60 ёшдан 79 ёшгача бўлган 45 (27,2%) нафар беморлар кирган.

COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғи касалликлари олти хил нозологик бирлик кўринишида намоён бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

Оғиз бўшлиғи яллиғланиш касалликлари кузатилган COVID-19 билан касалланган беморларнинг нозология бўйича тақсимланиши

Нозология	Мутлоқ сон, n=166	%
Ўткир гингивит	41	25,0
Сурункали гингивит	22	13,2
Ўткир пародонтит	32	19,2
Сурункали пародонтит	27	16,2
Пародонтоз	18	10,8
Стоматит	26	15,6

Эслатма: Ҳар бир беморда юқоридаги нозологиялардан фақат биртаси мавжуд.

COVID-19 билан зарарланган ёндош касалликлари бўлган беморлар ўрганилганда, 120 (72,2%) нафар беморда анемия кечаётганлиги аниқланган, шунингдек, тез-тез учрайдиган йўлдош касалликлардан гипертония касаллиги 49 (29,5%), қандли диабет 36 (21,6%), ревматоидли артрит 27 (16,2%), сурункали бронхит 23 (13,8%), сурункали пиелонефрит 22 (13,2%), семизлик 16 (9,6%), сурункали гепатит ва гастродуоденит 10 нафардан (6,2%) беморда кузатилган.

Беморларни кенг қамровли клиник кўриқдан ўтказишда соматик ва стоматологик ҳолатни умумий қабул қилинган клиник, лаборатор, микробиологик ва иммунологик усуллар,

шунингдек, шикоят, анамнестик маълумотлар, касалликнинг субъектив ва объектив белгиларининг батафсил маълумотлари билан форматланган ҳужжатлар ишлатилган.

Ташхис Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «COVID-19 янги коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик йўриқномаси»нинг 8-версиясига мувофиқ кўйилган. Касалликлар Халқаро Классификациясининг (КХК-МКБ-10) Фавкулдда вазиятлар кодлари бўлимини 2020 йил январь ойида янгиланган ва унга COVID-19, U 07.1 учун махсус код кўшилган.

Касаллик тарихини таҳлил қилишда ретроспектив гуруҳдаги беморлар жинси, ёши, асосий ва орттирилган касалликлари, клиник белгилари, COVID-19 оғирлиги, амбулатор ва стационар босқичларда дори терапияси, лаборатор ва рентгенологик текширувлар маълумотларини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш, касалхонага ётқизиш, касалхонада қолиш муддати, касалликнинг натижасини ўрганиш шулар жумласидандир.

Асосий гуруҳдаги беморларни клиник текшириш: юрак уриш тезлиги, қон босими, ўпка аускултацияси, нафас сони ва сатурациясини ўлчаш.

Микробиологик текширувлар бактериологик лабораторияда ўтказилган. Ундирилган микроорганизмлар идентификацияси ва дифференциацияси Bergy бўйича амалга оширилган. Оғиз бўшлиғи аъзолари иммуногенез жараёнида ва юқори нафас йўллариининг маҳаллий ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнаганлиги сабабли, даволашнинг кенг қўлланиладиган жарроҳлик тамойилини тўғри, деб эътироф этиб бўлмаган, балки оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати ва микробиоценозига эътибор бериш талаб қилинади.

Консерватив даволаниш учун алоҳида шароитлар бу оғиз бўшлиғини йилига 2-3 марта, айниқса, яллиғланиш жараёнида такрорлаш, шунингдек, умумий ва маҳаллий даволаш усулларидан комплекс фойдаланиш, бу консерватив даволаниш самарадорлигини сезиларли даражада оширган.

КПУ индексини аниқлаш учун Klein Palmer (1939) томонидан КПУ индексини кариес (К), пломба (П) ва олиб ташланган (ОТ) тишлар сонининг йиғиндиси сифатида аниқлаш, бу кўрсаткични КПУ индекси сифатида белгилаш мумкин (оригиналда DMST).

КПУ индекси у ёки бу тарзда кариесдан азият чеккан ҳар бир тишни ҳисобга олган ва ўзгармаган тишлар, шунингдек, пломба билан профилактика материали билан қопланган соғлом тишларни ҳисобга олмаган. Кариесдан таъсирланган тишлар парваришига муҳтожлигига қараб тоифаларга бўлинган, агар керак бўлса, қайси бири терапевтик ёки ортопедик муолажаларга муҳтожлигини белгилаб берган.

Оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини аниқлашда оғиз бўшлиғининг гигиеник индекслари ишлатилган: CPITN; PMA (Schour, Massler); GI (Loe, Silness); КПИ (П.А.Лейс); ОНІ-S (Green, Vermillion); Силнес-Лой (Silness, Loe); ТЭР-тест.

Оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳолатини баҳолашда беморларнинг стоматологик текшируви умумий қабул қилинган схема бўйича, ҳар бир бемор учун алоҳида ишлатиладиган тўпламлар билан ўтказилган. Шу жумладан, оғиз бўшлиғи шиллик қаватини текшириш (ранг, намлик, зарарланиш элементларининг мавжудлиги ва локализацияси).

Оғиз бўшлиғи патологиясининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатганки, назорат гуруҳида яллиғланиш жараёни енгил ёки ўртача оғирликдаги интоксикация билан бирга бўлган, асосий гуруҳда эса COVID-19 инфекцияси мавжудлиги сабабли интоксикация ўртача ва оғир бўлган.

COVID-19 билан касалланган беморларда оғиз бўшлиғини санація қилишнинг анъанавий усуллари давомида Кребс индекси назорат гуруҳидаги беморлардан фарқли ўлароқ юқори кўрсаткичларда қолган, бу ерда 3-5 сеансдан кейин охиргиси минимал қийматларга камайган.

ЛИИ ни динамикада ўрганиб, тадқиқотнинг асосий гуруҳида COVID-19 билан касалланган беморларда ўртача ва оғир интоксикация фонида тўқималарнинг деградацияси, деструкцияси кузатилган, бу анъанавий оғиз бўшлиғи санація тадбирларининг самарасизлигини тасдиқлаган, ўз ўрнига янги санація усуллариини излаш кераклигини тақозо этган.

Хулоса

Бундан ташқари, COVID-19 билан касалланган беморларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурати туфайли организмнинг резистентлик индексини баҳолаш амалга оширилган. Шу

билан бирга, тадқиқотнинг асосий гуруҳида иккиламчи иммунодефицит ҳолати туфайли COVID-19 инфекцияланган организм резистентлиги сезиларли даражада камайганлиги аниқланган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тураева Ф.А. Сравнительная клинико-микробиологическая оценка применения различных способов санации воспалительных заболеваний полости рта у больных заражен коронавирусом инфекции. // Новый день в медицине.– Бухара, 2022;9(47):382-388 (14.00.00; № 22). <https://newdayworldmedicine.com/en/article/1264>
2. Тураева Ф.А. Комплекс современных представлений о стоматологических проявлениях коронавирусной инфекции COVID-19 // Новый день в медицине. – Бухара, 2023;8(58):287-290 (14.00.00; № 22). <https://newdayworldmedicine.com/en/article/2189>
3. Тураева Ф.А. Сравнительная клинико-микробиологическая оценка применения различных способов санации воспалительных заболеваний полости рта у больных коронавирусной инфекцией // Журнал гуманитарных и естественных наук. – Ташкент, 2023;2(7):177-183 (2023 йилдаги 01-07/710/1- сонли хат).
4. Тураева Ф.А. COVID-19 коронавирус инфекциясининг стоматологик кўринишлари ҳақида замонавий тушунчалар мажмуаси // Гуманитар ва табиий фанлар журнали. – Тошкент, 2023;1(6):115-118. (2023 йилдаги 01-07/710/1- сонли хат).
5. Тураева Ф.А. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватида SARS-COV-2 патогенези // Интегративная стоматология и челюстно-лицевая хирургия. 2023. – Том 2, Выпуск 3 (5). - С. 184-189 (ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 апрелдаги 296/5-сон қарори).
6. Turaeva F.A. Features of Treatment of Dental Diseases in Patients with Coronavirus Infection //Journal of Advanced Zoology. 2023. - Volume 44, Issue S-5,. - P. 276-281 (Scopus Q4).
7. Turaeva F.A. Inoyatov A.Sh. Fayzullaeva N.Ya. The significance of interleukin 17A and antibodies to glytamate decarboxylase in generalized periodontitis in patients who have COVID-19//Journal of theoretical and clinical medicine – 2023. - №6. – С. 116-121(14.00.00; № 3).
8. Тураева Ф.А. Пародонтоз билан касалланган беморларда иммун тизими ҳолатининг COVID-19 инфекцияси фонида ўзига хос хусусиятлари // Тиббиётда янги кун.– Бухоро, 2024;3(65):258-262 (14.00.00; № 22). <https://newdayworldmedicine.com/en/article/3875>
9. Тураева Ф.А. Умумий пародонитли беморларда иммунобиокимёвий маркерлар.//Биомедицина ва амалиёт журнали №3 2024 ISSN 2181-9300 DOI Journal 10.26739/2181-9300 6 136-143 (14.00.00; № 3)
10. Turaeva F.A. Analysis of Oral Microflora and Effective of Hygiene Measures in Patients with Covid-19 // American Journal of Medicine and Medical Sciences <http://journal.sapub.org/ajmms> ISSN: 2165-901 P 3244-3246 (14.00.00. №2)
11. Тураева Ф.А. Covid-19 фонида оғиз бўшлиғининг микробиоценози ва санациясининг самадорлиги // Замонавий тиббиёт журнали. N4(7).2024 ISSN: 2992-8958 (125-128) (ОАК раёсатининг 2024 йил 7 июндаги 355/6-сон қарори 14.00.00)

Қабул қилинган сана 20.04.2025